

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОЙМИРОВ ШЕРЗОД ТУХТАЕВИЧ

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИДА ФИЗИКАНИНГ
“ЭЛЕКТРОДИНАМИКА” БЎЛИМИНИ МУАММОЛИ ЎҚИТИШ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Термиз – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Боймиров Шерзод Тухтаевич

Умумтаълим мактабида физиканинг “Электродинамика” бўлимини
муаммоли ўқитиш технологияларини такомиллаштириш 5

Боймиров Шерзод Тухтаевич

Совершенствование технологии проблемного обучения разделу
физики «Электродинамика» в общеобразовательной школе 23

Boymirov Sherzod Tukhtaevich

Improving the technology of problem-based teaching of the section
“Electrodynamics” in physics in secondary schools 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОЙМИРОВ ШЕРЗОД ТУХТАЕВИЧ

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИДА ФИЗИКАНИНГ
“ЭЛЕКТРОДИНАМИКА” БЎЛИМИНИ МУАММОЛИ ЎҚИТИШ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Термиз – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.PhD/Ped1187 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гулистон давлат университетига бажарилган.

Диссертация авторферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.terdu.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Махмудов Юсуф Ганиевич педагогика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Қурбанов Мирзиёхмид педагогика фанлари доктори, профессор Жураев Хусниддин Олтинбоевич педагогика фанлари доктори (DSc), доцент
Етакчи таъкилот:	Қарин давлат университети

Диссертация ҳимовен Термиз давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил « 8 » 10 соат 13 дақиқасида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Барқамол авлод кўчаси, 43. Тел.: (+998) 76-221-74-55; факс: (+998) 76-221-71-17; e-mail: termizdu@gmail.uz).

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (25 - рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Барқамол авлод кўчаси, 43. Тел.: (+998) 76-221-74-55.

Диссертация авторферати 2021 йил « 28 » 09.21 куни гаржатилади.
(2021 йил « 28 » 09 дақиқасида 13 - рақамли респ. баёнотимаси).



И.Т.Чориев
илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

М.Қ.Базорова
илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раисининг котиби, п.ф.н., доцент

Х.Ж.Худойкулов
илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XXI аср жаҳон миқёсида таълим барқарор тараққиётни таъминловчи асосий омил сифатида эътироф этилиб, ЮНЕСКО томонидан қабул қилиниб, 2030 йилгача белгиланган Халқаро таълим концепциясида “Бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш”¹ долзарб вазифа сифатида белгиланган. Айниқса, физиканинг “Электродинамика” бўлимини муаммоли ўқитиш технологияларини такомиллаштириш жараёни ўқувчиларни ижобий фикрлашга ўргатишда устувор аҳамиятга эга. Жумладан, Россия, Финляндия, АҚШ, Жанубий Корея, Германия мамлакатлари тажрибасига кўра, юқори синф ўқувчиларига физика ўқитишда муаммоли вазиятлар яратиш учун ўқув жараёнига интерфаол методларни қўллаш, муаммоли масалалардан мосларини танлаш, виртуал лаборатория ишларини бажаришга оид ўқув ресурсларини яратиш ва амалиётга татбиқ қилишнинг ўқув-методик таъминотини такомиллаштириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жаҳон мамлакатларида физикани муаммоли ўқитишда, энг аввало, ўқитувчи тафаккурини ривожлантириш, ўқув жараёнини такомиллаштиришда замонавий таълим методларидан самарали фойдаланиш асосий масалалардан бири сифатида қаралиб, улар устида кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Физикани муаммоли ўқитишда компетенциявий ёндашувдан фойдаланиш, интерфаол методларни физика таълимига татбиқ этиш, ўқувчи мантиқий тафаккурини ривожлантиришнинг методик-дидактик таъминотини яратиш орқали муаммоли ўқитиш технологияларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимиз умумтаълим мактабларида ўқувчиларга физикани муаммоли ўқитишда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш, хорижий тажрибалар асосида физикада муаммоли вазиятларни ташкил этиш, ўқувчиларда физикага оид компетенцияларни ривожлантиришнинг меъёрий асослари ва моддий-техник негизи сўнгги йилларда яратилмоқда. “Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”²ги қарорида ўқитиш сифатини ошириш устувор вазифа этиб белгиланган. Натижада, умумтаълим мактабларида ўқувчининг ижодкорлик фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган замонавий таълим технологияларини муаммоли ўқитиш методлари асосида такомиллаштиришда илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишнинг педагогик-дидактик имкониятлари кенгаймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2021 йил

¹ Incheon Declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (World Education Forum, 19-22 May 2015. Incheon, Republic of Korea).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 мартдаги “Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5032-сон қарори // қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.03.2021 й., 07/21/5032/0226-сон.

19 мартдаги ПҚ-5032-сон “Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълимининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ва амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда П.Хабибуллаев, Н.Тўраев, Б.Мирзахмедов, Ю.Маҳмудов, Э.Турдикулов, М.Джораев, Ю.Пўлатов, С.Қаҳҳаров, Ш.Камолхўжаев, Х.Жўраев, Ж.Усаров, Г.Карлыбаева ва бошқа физик ва методист олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқот ишларида муаммоли ўқитиш самарадорлигини оширишга доир масалалар батафсил ўрганилган.

МДХ давлатларида М.И.Махмутов, А.Н.Матюшкин, М.М.Балашов, Р.И. Малафеев, И.Я.Лернер, Л.А.Медвецкий, П.О.Кудрявцев, Г.К.Селевко, В.Г.Разумовский, Г.А.Цукерман, И.Я.Сафиуллина, Г.Я.Мякишев, С.С.Машков, В.Т. Кудрявцев, В.В.Краевский, В.И.Загвязинский ва бошқа олимлар физиканинг “Механика”, “Молекуляр физика”, “Оптика” бўлимларини муаммоли ўқитишга доир илмий изланишлар олиб боришган.

Хорижлик олимлардан L.John, R.K.Thornton, R.R.Hake, F.Reif, R.Bryant ва бошқалар умумтаълим мактабларида физикани муаммоли ўқитишга оид тадқиқот ишлари олиб борганлар.

Бугунги кунда физиканинг “Электродинамика” бўлимини муаммоли ўқитиш технологияларини такомиллаштириш алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Гулистон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режаси бўйича “Физика ўқитиш муаммоларини ҳал этишнинг методик асослари” (2018–2020 йй.) мавзусидаги тадқиқот доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади умумтаълим мактабларида физиканинг “Электродинамика” бўлимини муаммоли ўқитиш технологияларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

физиканинг “Электродинамика” бўлимини муаммоли ўқитиш технологияларини такомиллаштириш жараёни дефинициясини назарий таҳлил

қилиш, ўқувчи мустақил фикрлаши ташкилий-тузилмавий компонентларининг методик - дидактик имкониятларини аниқлаштириш;

физиканинг “Электродинамика” бўлимини муаммоли ўқитишга доир турли типдаги масалаларни ечиш методикасини такомиллаштириш;

физиканинг “Электродинамика” бўлимини муаммоли ўқитиш тизимининг методик, дидактик, акмеологик ва аксиологик имкониятларини такомиллаштириш;

физиканинг “Электродинамика” бўлимини муаммоли ўқитиш стратегиясининг метод, шакл, восита ва йўллари аниқлаш, уларнинг самарадорлигини оширишга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти умумтаълим мактабларида физиканинг “Электродинамика” бўлимини муаммоли ўқитиш технологияларини такомиллаштириш жараёни бўлиб, тажриба-синов ишларида Жиззах, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларидаги 12 та умум таълим мактабларидан 456 нафар ўқувчи иштирок этди.

Тадқиқотнинг предмети умумтаълим мактабларида физиканинг “Электродинамика” бўлимини муаммоли ўқитиш технологияларини такомиллаштириш шакл, метод, восита ва йўллари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида таҳлилий-статистик, қиёсий-таққослаш, суҳбат, сўровнома, кузатиш, таснифлаш, тест топшириқлари, маълумотларни математик-статистик таҳлил қилиш, натижаларни диаграмма, жадвал, схема ва график шаклда тасвирлаш каби усуллар қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

физиканинг “Электродинамика” бўлимини муаммоли ўқитиш технологиялари дефиницияси ўқувчи мустақил ижодий фикрлаши ташкилий-тузилмавий компонентларининг методик - дидактик имкониятлари қамрови “кейс стади”, “ақлий ҳужум”, “таълим”, “синквейн” каби интерфаол методлар интеграцияси асосида аниқлаштирилган;

физиканинг “Электродинамика” бўлимига доир сонли, сифат, график, синтетик, алгебраик, экспериментал, ижодий, эвристик мазмундаги масалаларни муаммоли вазиятлар яратиш ёрдамида ечишнинг тезкор усули иллюстрациялаш асосида такомиллаштирилган;

физиканинг “Электродинамика” бўлимини муаммоли ўқитишда акмеологик ва аксиологик ёндашувнинг методик, дидактик имкониятлари муаммоли вазият, муаммоли ечим, муаммоли суҳбат, муаммоли таҳлил асосида такомиллаштирилган;

физиканинг “Электродинамика” бўлимини муаммоли ўқитиш стратегиясини турли типдаги муаммоли масалалар ечишнинг амалий фаолиятлари ёрдамида аниқлаштириш, сифати ва самарадорлигини оширишга оид олиб борилган педагогик тажриба-синов натижалари асосида илмий-методик таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

физиканинг “Электродинамика” бўлимини муаммоли ўқитиш технологияларини такомиллаштиришга оид дарс ишланмаларини ишлаб чиқиш, муаммоли виртуал лаборатория ишларини бажариш, сонли, сифат, график, синтетик, алгебраик, экспериментал, ижодий, эвристик мазмундаги муаммоли масалаларни танлаш, тузиш ва ечиш, уларни амалиётга жорий этиш сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

физиканинг “Электродинамика” бўлимини муаммоли ўқитиш мазмуни аниқланган, шакл, метод, восита ва йўллари такомиллаштирилган;

физиканинг “Электродинамика” бўлимини муаммоли ўқитиш технологияларини такомиллаштириш бўйича монография, методик қўлланма, тарқатма ва дидактик материаллар нашр этилган ва ўқув жараёнига татбиқ қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланганлиги, тадқиқот ишида қўлланилган методик ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, педагогик тажриба-синов ишлари таҳлили ва самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида асосланганлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти дарсда ва дарсдан ташқари машғулотларда физиканинг “Электродинамика” бўлимини муаммоли ўқитиш технологияларини такомиллаштиришга хизмат қиладиган дидактик воситалар ва методларнинг таълим сифати ва самарадорлигига оид кўрсаткичлар асосида ташкил этилганлиги, физиканинг “Электродинамика” бўлимини муаммоли ўқитиш жараёни инновацион таълим технологияларига кўра такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти умумтаълим мактабларида физиканинг “Электродинамика” бўлимини муаммоли ўқитиш технологияларини такомиллаштириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, мазкур тадқиқот мавзуси асосида таълим мазмуни ва сифатига қўйиладиган Давлат таълим стандартини такомиллаштиришга оид қўшимчалар киритиш ва физиканинг “Электродинамика” бўлимини муаммоли ўқитиш технологияларини такомиллаштириш сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Физиканинг “Электродинамика” бўлимини муаммоли ўқитиш технологияларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар асосида:

физиканинг “Электродинамика” бўлимини муаммоли ўқитиш технологиялари дефиницияси назарий таҳлили, ўқувчи мустақил ижодий фикрлаши ташкилий-тузилмавий компонентларининг методик-дидактик имкониятлари қамрови интерфаол методлар интеграцияси асосида аниқлаштирилиб, 8-, 10-, 11-синфларининг “Физика” дарсликлари мазмунига сингдирилган (Ўзбекис-

тон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2021 йил 17 февралдаги 01/11-04/6-214-сон маълумотномаси). Натижада, бу ўқувчиларнинг “Электродинамика” бўлимини муаммоли ўқитишга оид билими, кўникмаси, малакаси ва компетенциясини шакллантиришга хизмат қилган;

физиканинг “Электродинамика” бўлимига доир сонли, сифат, график, синтетик, алгебраик, экспериментал, ижодий, эвристик мазмундаги масалаларни муаммоли вазиятлар яратиш ёрдамида ечишнинг тезкор усули такомиллаштирилиб, Давлат таълим стандарти ва ўқув дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2021 йил 17 февралдаги 01/11-04/6-214-сон маълумотномаси). Натижада, амалга оширилган инновацион ёндашувга асосланган ҳолда, умумтаълим мактаби ўқув дастурларида физиканинг “Электродинамика” бўлимини муаммоли ўқитиш технологиялари такомиллаштирилган;

физиканинг “Электродинамика” бўлимини муаммоли ўқитиш стратегиясини амалий фаолиятлар ёрдамида аниқлаштириш, сифати ва самарадорлигини оширишга оид таклиф ва тавсиялардан “VIII синф ўқувчиларига электродинамикани муаммоли ўқитиш” номли ўқув-методик қўлланмани тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг 2019 йил 09 июлдаги 001428-сон муаллифлик гувоҳномаси). Натижада, физикани муаммоли ўқитиш самарадорлиги ҳамда физика ўқитувчиларининг методик тайёргарлиги такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 8 та, шундан 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманида мутахассислар муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 1 та ўқув-методик қўлланма, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан 3 таси республика, 3 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 124 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган; тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги баён қилинган; муаммонинг ўрганилганлик

даражаси, ишнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети аниқланган; тадқиқот натижаларининг ишончилиги, илмий-амалий аҳамияти, апробацияси, эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“VIII сифда физиканинг “Электродинамика” бўлимини муаммоли ўқитиш технологияларини такомиллаштиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида физиканинг “Электродинамика” бўлимини муаммоли ўқитишнинг ҳозирги ҳолати, электродинамикани муаммоли ўқитишнинг психологик-педагогик асослари ҳамда электродинамикани муаммоли ўқитишга доир материалларни танлаш принциплари ҳақида маълумот берилган; электродинамикани муаммоли ўқитиш технологияларини такомиллаштиришнинг педагогик имкониятларини оширишда дидактик талаблар ёритилган; физиканинг “Электродинамика” бўлимини муаммоли ўқитишнинг ўзига хос жиҳатлари баён қилинган.

Физиканинг “Электродинамика” бўлимига оид мавзулар билан танишиш жараёнида ўқувчи бевосита ўрганган, кузатган ҳодисалар ва жараёнларни кундалик турмушда учратади. Бу унга олинган назарий билимларни амалиёт билан узвий боғлаш мумкинлигини англаш ҳамда мустақил фикрлаш имкониятини яратади. Шунингдек, у биринчидан, электродинамикадан олинган назарий билимларни амалиётда ижодий қўллаш; иккинчидан, ўқув материалларининг тушунарли бўлиши; учинчидан, назарий билимларни онгли, пухта, чуқур эгаллаш; тўртинчидан, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришда ўқувчига ёрдам берганлиги баён қилинган.

Ўқувчилар фан-техника тараққиёти даврида яшамокда. Ҳар бир ўқувчи бевосита янги-янги техникалардан фойдаланиб, улар билан тез-тез мулоқотда бўлиб туради. Бу ўз навбатида, ўқувчилардан электродинамика асосларини пухта ва чуқур ўрганишни талаб этади. Одатда, электродинамикадан олинган назарий билимларни мустақил кузатиш, таҳлил қилиш, улар ҳақида илмий хулосалар чиқариш, уларни умумлаштириш, тажрибалар ўтказиш, лаборатория ишларини бажариш кўникма, малака ва компетенциялари ўқувчиларда шаклланмаган бўлади. Ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга деярли эътибор берилмайди. Ўқувчилар электродинамикани ўрганиш жараёнида олган назарий билимларини амалиётда қўллай олмайди. Ўқувчиларнинг аксарияти техника сирларини ўрганишда электродинамиканинг роли ва аҳамиятини тўла тушуниб етмайди. Бу ўз навбатида, ўқувчиларнинг физикани ўрганишга бўлган қизиқишини пасайтиради. Шу боис умумтаълим мактабларида физиканинг “Электродинамика” бўлимини муаммоли ўқитиш, биринчидан, ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиради; иккинчидан, мантиқий фикрлашини ўстиради; учинчидан, уларда амалий кўникма, малака ва компетенциялар шаклланишига ёрдам беради.

Физика дарсларида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш фаолиятини муаммоли вазиятлар яратиш ва уларни ижобий ҳал қилиш, муаммоли саволлар бериш, ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш, роли ўйин элементларидан фойдаланиш, дарс жараёнида йўл қўйилган айрим хатолик-

ларни ўқувчиларнинг ўзлари мустақил ҳал қилишларига имконият яратиш орқали ташкил этиш мумкин.

“Муаммо” қийин савол, масала ва ечим талаб қилувчи топшириқ демакдир. Дидактиканинг мантиқий принципларидан бири сифатида “муаммо” файласуфлар томонидан қайд этилган “билмаганлик ҳақидаги билим”ни ёки саволлар хилма-хиллигини, ечими олдиндан эгалланган билимларда бўлмаган, шунинг учун янги билимларни эгаллаш учун маълум ижодий фаолиятни талаб қилади.

“Муаммо” тушунчаси маълум даражада аниқ бўлса-да, бироқ амалда бу тушунчага изоҳ берилмаган. “Муаммоли ўқитиш” юзасидан методист олимлар ва психологлар томонидан айрим тадқиқот ишлари амалга оширилганлигига қарамасдан, ҳозирга қадар унга аниқ бир таъриф берилмаган. Бу тушунчанинг турли хил талқини мавжуд. Муаммоли ўқитишни ривожлантирувчи таълим деб ҳисоблаш мумкин. Умумий ва махсус ривожланишга олиб келадиган фан асосларини ўрганиш жараёнида махсус педагогик воситалар ёрдамида ўқувчининг фикрлаш қобилияти ва билиш эҳтиёжини шакллантиришга йўналтирилган таълим муаммоли таълим ҳисобланади.

Диссертациянинг **“VIII синфда физиканинг “Электродинамика” бўлимини муаммоли ўқитиш технологияларини такомиллаштириш методикаси”** деб номланган иккинчи бобида ўқувчи олдида қўйилган ўқув муаммосининг қай даражада аҳамиятли эканлиги, унинг ўқувчи фикрлаш фаолиятига қандай таъсир кўрсатишини аниқлаш учун психолог ва дидакт олимларнинг хулосаларига эътибор қаратилган. Масалан, психолог С.Л.Рубинштейннинг ёзишича, фикрлаш инсоннинг ҳар қандай фаолияти сингари бирор таъсирланишдан келиб чиқади. Қаерда таъсирланиш бўлмаса, у ерда фаолият ҳам бўлмайди. Бу жараённинг рўй бериши учун ўқувчини фикрлашга мажбур қилувчи бирор асос бўлиши лозим.

Физика дарсларида ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнлар моҳиятини очиб бериш, ўқувчининг фикрлаш фаолиятини ривожлантириш учун муаммоли суҳбатдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бундай суҳбатлар физика дарсларининг техника ривожланиши билан қандай боғланишга эга эканлигини, унинг кундалик турмушда тутган ўрнини очиб беришга ёрдамлашади.

Муаммоли ўқитишнинг назарий асосида ўқувчининг ижодий билиш қонунияти ётади. Муаммоли ўқитиш ўқувчи фаолиятини ижодий билиш орқали ташкил этишдан иборат. Муаммоли таълимни қўйидагича ташкил этиш мумкин:

1. Муаммоли вазиятлар яратиш ва уни таҳлил қилиш жараёнида ўқувчи янги назарий билим, амалий кўникма, малака ва компетенцияларга эга бўлади.

2. Ўқувчининг илгари эгаллаган назарий билими, амалий кўникма, малака ва компетенциялари орқали муаммони ҳал қилишга фаол жалб қилади. Назарий билимни ўзлаштиришни шундай ташкил қилиш керакки, у мос ечимни топиш учун ўқувчига муаммони ҳал қилиш ҳамда илгари сурилаётган фаразни таҳлил қилишда ёрдам берсин.

3. Муаммонинг тахмин қилинаётган ечими баъзан назарий, аксарият ҳолларда экспериментал текшириб кўрилади. Муаммо ечилади ва шу ечим асосида илмий хулоса чиқарилади. Илмий хулоса асосида ўқувчи ўрганилаётган объект ҳақида янги билимга эга бўлади. Муаммони ҳал қилиш жараёнида ўрганилаётган объектнинг бошқа томон (қирра)ларини ҳам ўрганиш зарурлигини ҳис қилади. Натижада, ўқувчи маълум билимлар тизимига эга бўлади.

Поляк педагоги В.Оконь муаммоли ўқитишни қуйидагича тушунтиради: муаммоли ўқитиш деганда, биз шундай фаолият турини тушунамизки, у муаммоли вазиятларни ташкил этиш, муаммони шакллантириш, муаммони ҳал қилиш учун ўқувчига ёрдам бериш, натижани текшириш, пировардда, эгаллаган назарий билимларни амалиётда мустаҳкамлаш ва тизимлаштиришдан иборат. Тажриба-синов ишларининг кўрсатишича, электродинамикадан муаммоли виртуал лаборатория ишлари кўрсатма билан бажариладиган лаборатория ишлари билан биргаликда олиб борилса, янада самаралироқ бўлади. Чунки ҳар бир лаборатория ишини муаммоли виртуал лаборатория кўринишида ташкил этиб бўлмайди, бу мумкин бўлган тақдирда ҳам мақсадга мувофиқ эмас.

Электродинамикадан лаборатория ишларини қуйидаги ҳолларда муаммоли тарзда ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас:

1. Тадқиқот ишининг ғоясини ўқувчи мустақил топиши қийин бўлганда. Масалан, “Миснинг электрохимий эквивалентлигини аниқланг” мазмундаги лаборатория иши. 2. Лаборатория ишининг муҳим жиҳатларини ўқувчи мустақил тушуна олмайдиган вақтларда. 3. Электродинамикадан муаммоли лаборатория ишининг мақсади ўқувчида бошланғич амалий кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантириш ёки ҳодиса ва жараённи кузатиш билан мос келиб қолганда. 4. Электродинамикадан муаммоли лаборатория ишини бажариш учун зарур бўлган назарий билимлар етарлича ўзлаштирилмаганда.

Биз тадқиқот олиб борган физиканинг “Электродинамика” бўлимида муаммоли мазмундаги масалаларни танлаш, тузиш ва ечиш алоҳида аҳамият касб этади. Электродинамикадан муаммоли мазмундаги масалаларни танлаш, тузиш ва ечиш орқали ўқувчининг фикрлаш қобилияти ортади, у ўтилган мавзуларни чуқур ва пухта ўзлаштиришга, мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ўқувчилар билан экскурсия ўтказиш катта амалий аҳамиятга эга. Айниқса, VIII синфда экскурсия ташкил этиш ва уни ўтказиш мақсадга мувофиқ. Экскурсия ўқувчи онги ва тафаккурини ривожлантиришга ёрдам беради. Ўқувчида амалий кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиради. Агар ўтказилаётган экскурсия бирор муаммони ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўйса, унинг қиммати яна ортади. Бундай экскурсия ўтказиладиган кун камида бир ой аввал белгиланади, унинг мавзуси, муаммоси, мақсади, жиҳозлари ва тартиби тўғрисида олдиндан суҳбат ўтказилади. Ўқитувчи экскурсияга пухта ишлаб чиқилган режа асосида тайёргарлик кўради. Шу режага кўра, экскурсияда ўрганиладиган муаммо, объектга доир маълумотлар ҳамда кузатишлар олиб бориш, материаллар тўплаш, ўқувчилар учун қулайроқ объектларни танлаш ҳисобга олинади.

Ўқувчининг ижодий қобилияти ва фикрлашини ривожлантиришда физика дарсларида муаммоли мазмундаги конференция ташкил ижобий натижа беради. Муаммоли мазмундаги конференция дарслари синфхона шароити, ўқувчиларнинг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади ва ўтказилади. Бундай дарсларни ташкил этишда ўқитувчи одатдаги дарсларни ташкил этишга қараганда кўпроқ қийинчиликка дуч келади. Лекин бундай дарсларнинг самарадорлиги анъанавий дарсларга нисбатан юқори бўлади. Муаммоли мазмунда конференция дарсларини ташкил этиш ва олиб бориш ўқитувчидан тажриба ва маҳорат талаб қилади. Электродинамикадан муаммоли мазмунда конференция дарсларини ташкил этиш физикага доир қўшимча адабиётлар ўқиш, маърузалар қилиш, баҳс-мунозара каби муаммоларни ҳал қилишни ўргатади.

Диссертациянинг учинчи боби **“Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва уни ўтказиш”** деб номланиб, мазкур бобда умумтаълим мактабларида физиканинг **“Электродинамика”** бўлимини муаммоли ўқитиш технологияларини такомиллаштириш, тажриба-синов ишларини ташкил этиш босқичлари келтирилган. Тажриба-синов ишлари ташкилий-тайёргарлик, амалий ҳамда умумлаштирувчи босқичларда ташкил қилинган.

Тажриба-синов Жиззах вилоятининг Жиззах туманидаги 5-, 21-; Сурхондарё вилоятининг Термиз туманидаги 3-, 18-; Денов туманидаги 79-, 81-; Қумқўрғон туманидан 2-, 4-; Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳридаги 2-, 9-; Сайхунобод туманидаги 6-, 15-, жами 12 та умумтаълим мактабларида олиб борилди. Тажриба-синовда 456 нафар ўқувчи иштирок этди.

Тажриба-синов натижалари тадқиқот фарази учун асос бўлиб хизмат қилди. Кузатиш жараёнида физика ўқитувчиси ва ўқувчиларга берилган сўровнома билан таништиришда қуйидаги саволлар берилди:

1. Электродинамикани муаммоли ўқитишнинг ўқувчилар билими сифати ва самарадорлигига таъсири қандай? 2. Ўқувчиларнинг электродинамикага доир амалий кўникма, малака ва компетенциялари шаклланишига унинг таъсири нималардан иборат? 3. Электродинамикада муаммоли вазиятлар яратишда қандай қийинчиликлар мавжуд? 4. Электродинамикани муаммоли ўқитишнинг ўқувчилар мустақил фикрлаши ва ижодий қобилиятини ривожлантиришдаги аҳамиятини қандай изоҳлайсиз?

Бундай мазмундаги сўровнома саволлари электродинамикани муаммоли ўқитишда ўқувчиларнинг физик тасаввурлари шаклланиши, уларнинг ўзаро боғлиқлигини англаш ҳамда уларни касбга йўллашда муҳим восита бўлишини кўрсатди. Сўровнома саволлари таҳлилидан электродинамикани муаммоли ўқитишда фойдаланиш имкониятларининг кенглиги ўқувчиларда политехник тайёргарликни ошириш ва касб танлашда муҳим аҳамият касб этиши аниқланди.

Физика ўқитувчилари билан ўтказилган суҳбат электродинамикани муаммоли ўқитишда учрайдиган қийинчиликларни аниқлаш имконини берди. Тажриба-синов VIII синфда электродинамикани муаммоли ўқитиш бўйича маълумотлар йиғиш ҳамда таклиф этилаётган методиканинг самара бери-

шини исботлаш ва электродинамикани ўқитишга оид таклиф ва тавсиялар бериш мақсадида олиб борилди. Электродинамикадаги қонунлар, ҳодисалар ва жараёнларнинг саноат, қишлоқ хўжалиги, кундалик турмушда қўлланилишини ўқувчиларга тушунтириб бериш муҳим аҳамиятга эга эканлиги асосланди.

Аниқлаштирувчи тажриба-синов натижасида VIII синф ўқувчилари учун ўринли бўлган мавзулар танланди. Тажриба-синов натижалари математик статистика методидан фойдаланиб, қайта ишланди. Бунда тажриба ва назорат синфларида ўқитиш таққосланди. Бу эса ишчи фаразнинг тўғрилигини исботлади. Электродинамикани муаммоли ўқитиш методикасига доир ишлаб чиқилган дастур танланган материалларни ўрганишга ижобий таъсир қилиши, айтилиши вақтда электродинамикага доир назарий билим, амалий кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантириши ҳамда дарс сифати ва самарадорлигини оширишга олиб келишини кўрсатди. Айтилса, у ҳозирги вақтда ўқувчиларнинг билим олиши, фан-техника тараққиёти натижасида юзага келаётган янги касбларга бўлган қизиқишлари катта эканлигини кўрсатди.

Электродинамикани муаммоли ўқитишда материаллар танлаш учун Жиззах, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятлари халқ таълими бошқармалари раҳбарлари руҳсати билан 2017–2018 ўқув йилидан бошлаб, 12 та умумтаълим мактабларининг VIII синфларида тажриба-синов ишлари олиб борилди. Тажриба-синовнинг биринчи босқичи электродинамикани муаммоли ўқитиш тизимининг ижобий ва салбий томонларини аниқлаш, уни такомиллаштириш учун аниқ хулосалар чиқаришга ёрдам берди. Электродинамикага доир сонли, сифат, график, экспериментал, алгебраик, синтетик, эвристик мазмундаги масалаларни танлаш, тузиш ва ечиш, виртуал лаборатория ишларини бажариш, синфдан ташқари машғулотларни муаммоли ўқитиш бўйича методик кўрсатмалар белгилаб олинди.

Электродинамикани муаммоли ўқитишда қуйидагиларга эътибор қаратилди:

1) муаммоли ўқитиш методикасидан дарсда ва дарсдан ташқари машғулотлар, муаммоли лаборатория ишларини бажаришда фойдаланиш мумкинлигини физика ўқитувчиларининг тушуниб етиши ва қўллаш олишини таъминлаш;

2) фан-техника тараққиётини ҳисобга олиб, электродинамикани муаммоли ўқитишга оид материалларни умумлаштиришнинг мантиқий кетма-кетлиги, изчиллиги ва тўғрилигини текшириш;

3) тажриба-синов ўтказиш учун тайёрланган дарс ишланмалари, ўқув-методик қўлланмалар, тарқатма ва дидактик материаллар, кўргазмалар курулларнинг ижобий ҳамда салбий томонларини ўрганиш.

Тажриба-синовнинг бу босқичида қуйидаги муаммолар ҳал қилинди:

1) физиканинг “Электродинамика” бўлимини муаммоли ўқитиш имкониятининг кенг қамровлилиги;

2) физиканинг “Электродинамика” бўлимини муаммоли ўқитишнинг ўқувчилар учун тушунарли эканлиги;

3) физиканинг “Электродинамика” бўлимини муаммоли ўқитишнинг амалда қўлланаётганлиги;

4) физиканинг “Электродинамика” бўлимини муаммоли ўрганишга ўқувчиларда қизиқишнинг мавжудлиги.

Тажриба-синов ишининг биринчи босқичида ўқувчиларнинг билим даражаларини аниқлаш учун улар билан доимий суҳбат, ёзма-назорат ишлари олиб борилди. Тажриба-синов ишлари натижалари электродинамикани муаммоли ўқитиш тизимини такомиллаштириш ва қўшимчалар киритишга ёрдам берди. Масалан, тажриба бошида назорат ва тажриба синф ўқувчиларига муаммоли саволлар берилди.

Тажриба-синов ишлари ҳеч қандай тушунтиришларсиз ва методик ёрдам кўрсатмасдан ўтказилди. Савол-жавоблар ва ёзма-назорат ишлари тегишли мавзулар назарий томондан ўрганилгандан сўнг ўтказилди. Қуйидаги 1-жадвалда ўқувчиларнинг муаммоли саволларга берган жавоблари даражаси келтирилган:

1-жадвал

Ўқув йили	Ўқувчилар сони, нафар	Назорат ва тажриба синфлари ўқувчиларининг баҳолари			
		“5”	“4”	“3”	“2”
2017–2018	58/60	3/4	18/10	27/33	10/13
2018–2019	60/61	5/3	21/13	24/35	8/10
2019–2020	63/60	9/5	23/16	28/33	4/6

1-жадвал натижалари таҳлилидан кўринадикки, назорат ва тажриба синфларида ўқувчиларнинг электродинамикани ўзлаштиришлари бир-бирига яқин. Ўқувчиларнинг электродинамикани ўзлаштириш даражаси пастлиги қуйидагилар билан изоҳланади:

1) аксарият умумтаълим мактабларида физиканинг “Электродинамика” бўлимига оид муаммоли ўқитиш методидан фойдаланилмаётганлиги;

2) кўпчилик умумтаълим мактабларида физиканинг “Электродинамика” бўлимини муаммоли ўқитиш бўйича тадбирлар ўтказиш режасининг йўқлиги;

3) аксарият физика ўқитувчилари электродинамикага доир мавзуларни амалиёт билан боғлаб ўтмаётганлиги;

4) кўпчилик физика ўқитувчилари электродинамикани ўқитишда муаммоли вазиятлар яратиш ўрни ва аҳамиятини тушуниб етмаётганликлари.

Демак, юқорида баён қилинганлар “Электродинамика”ни муаммоли ўқитишда ўқувчиларнинг билим сифатини пасайтиради, назарияни амалиёт билан боғлашни қийинлаштиради.

2017–2020 ўқув йилларида ўтказилган тажриба-синов натижасида биз томонимиздан ишлаб чиқилган муаммоли ўқитиш методикасининг самараси ишонарли эканлигини текшириш мақсадида бир неча марта ГулДУнинг физика кафедрасида, зонал илмий-назарий, илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинди. Тажриба-синов ишларининг биринчи босқичи 2017–2018 ўқув йилида Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳридаги 2-, 9-; Сайхунобод туманидаги 6-, 15-; Жиззах вилоятининг Жиззах туманидаги 5-, 21-;

Сурхондарё вилоятининг Термиз туманидаги 3-, 18-; Денов туманидаги 79-, 81-; Қумқўрғон туманидаги 2-, 4- умумтаълим мактабларида олиб борилди.

Электродинамикани муаммоли ўқитиш бўйича материаллар дастур асосида танланди. Тажриба-синов учун танланган материалларда қуйидаги масалаларни синаб кўриш асосий мақсад қилиб қўйилди:

1) умумтаълим мактабларида электродинамикани муаммоли ўқитишнинг илмий-методик жиҳатдан ўринлилигини асослаш, унинг политехник ва касбга йўллашдаги имконияти ва аҳамиятини ёритиш;

2) ўқувчининг электродинамикага доир мавзуларни ўзлаштириш даражасини, муаммоли ўқитиш орқали ўқувчида физикани ўрганишга бўлган қизиқиши ортганлигини аниқлаш, математик статистика методидан фойдаланиб илмий асослаш;

3) дарсда, дарсдан ташқари машғулотларда ўқувчи олдига муаммо қўйиш орқали физик қонунлар, ҳодисалар ва жараёнларнинг содир бўлишини илмий асосда тушунтириб бериш, электродинамикани муаммоли ўқитишнинг ўқувчи илмий дунёқараши, мантикий фикрлаши, ижодий қобилиятларини ривожлантиришдаги ролини ёритиш.

Юқорида таъкидланганларни амалда синаб кўриш учун ўз олдимизга қуйидаги масалаларни қўйдик:

1) электродинамикани муаммоли ўқитишда тавсия этилаётган материаллар ўқувчилар учун содда ва тушунарли бўлишини таъминлаш;

2) электродинамикани муаммоли ўқитиш орқали ўқувчиларнинг физика фанига бўлган қизиқишларини ошириш мақсадида уларнинг ижодкорлик ишларини таҳлил қилиш;

3) тажриба синфларида электродинамикани муаммоли ўқитишнинг самарали восита ва йўлларини аниқлаш.

Юқоридаги масалаларни ҳал этиш учун тажриба-синовнинг изланиш қисми 2015–2016 ўқув йилида бошланди. Электродинамикани муаммоли ўқитишни физика ўқитиш амалиётига киритиш имкониятларини батафсил ўрганиш асосида илмий-тадқиқот ишининг асосий ғояси, шунингдек, ўқувчи билимидаги муаммолар ва уларнинг сабаблари аниқланди. Электродинамикани муаммоли ўқитиш бўйича ўқувчиларнинг билим даражаларини аниқлаш учун барча тажриба синфларида муаммоли виртуал лаборатория ҳамда ёзма-назорат ишлари олиб борилди.

Сурхондарё вилоятининг Термиз туманидаги 3-, 18-; Денов туманидаги 79-, 81-; Қумқўрғон туманидаги 2-, 4-; Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманидаги 6-, 15-; Гулистон шаҳридаги 2-, 9-; Жиззах вилоятининг Жиззах туманидаги 5-, 21-умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг билим даражалари бироз паст бўлди. Олинган маълумотлар таққосланиб, таҳлил қилинганидан сўнг бунинг сабабини аниқлашга киришилди. Физика ўқитувчилари билан олиб борилган суҳбатлардан аниқ бўлдики, Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманидаги 6-, 15-; Гулистон шаҳридаги 2-, 9-умумтаълим мактабларининг физика ўқитувчилари муаммоли ўқитиш методидан деярли фойдаланишмас экан. Аниқроғи, физика ўқитувчилари муаммоли ўқитиш мето-

дидан фойдаланишни билишмас экан. Бу ҳол кейинроқ ўтказилган тажриба-синов ишларида ҳам юз берди. Дастлабки тажриба-синов ишимизда тажриба ташкил қилишдаги умумий илмий қурилма аниқланди. Тажриба-синовнинг изланиш босқичида ишчи фараз таърифланди.

Тажриба-синов ишининг иккинчи босқичи 2018–2019 ва учинчи босқичи 2019–2020 ўқув йилида ўтказилди. У ўрганувчи хусусиятга эга бўлиб, илғор ва тажрибали физика ўқитувчиларининг иш тажрибасига таянган ҳолда олиб борилди. Электродинамикани муаммоли ўқитишдаги камчиликлар ҳисобга олиниб, ўқувчилар билимидаги узилишлар тузатилди. Электродинамикадан танланган материалларнинг тушунарли бўлиши учун текшириб кўрилди. Электродинамикани муаммоли ўқитишнинг ишонарлилик даражаси Пирсоннинг χ^2 (хи-квадрат) математик-статистик методи асосида текшириб кўрилди. Тажриба-синовнинг бу босқичида назорат ва тажриба синфлари ажратилди ва уларни танлашда қуйидаги талабларга эътибор берилди:

а) назорат ва тажриба синфлари ўқувчиларининг ўзлаштириш даражалари деярли бир хил; б) физика ўқитувчиларининг билим даражалари ва иш тажрибалари деярли фарқ қилмайди; в) ўқувчиларнинг электродинамикани ўрганишга бўлган қизиқишлари деярли бир хил.

Юқоридаги талаблардан келиб чиққан ҳолда, Сурхондарё вилоятининг Термиз туманидаги 3-, 18-; Денов туманидаги 79-, 81-; Қумқўрғон туманидаги 2-, 4-; Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманидаги 6-, 15-; Гулистон шаҳридаги 2-, 9-; Жиззах вилоятининг Жиззах туманидаги 5-, 21-умумтаълим мактабларида назорат ва тажриба синфлари танланди. Ўқув жараёни тажрибали, биринчи ва олий тоифали ўқитувчилар ва тадқиқотчининг шахсан ўзи томонидан олиб борилди. Тажриба-синов ишининг бу босқичида электродинамикани муаммоли ўқитиш самарадорлиги математик статистика методи асосида текшириб кўрилди. Ўқувчиларнинг жавоблари қуйидаги мезонларга кўра баҳоланди: “Аъло”, “Яхши”, “Қониқарли”, “Қониқарсиз”. Электродинамика бўлими бўйича ўқувчиларнинг билим даражалари муаммоли саволларга, топшириқларга ёзма равишда берган жавобларини таҳлил қилиш билан текширилди. Электродинамикани муаммоли ўқитишда ўқувчиларнинг билими муаммоли савол-масалаларга ёзма равишда берган жавобларини таҳлил қилиш йўли билан текширилди:

1) “Аъло” баҳо – ўқувчи муаммони тўғри тушунади, уни ҳал қилиш учун зарур бўлган қоидаларни, қонун ва формулаларни пухта ва чуқур билади, муаммонинг ечимини топиш ва математик ҳисоблашларни тўғри бажаради, ечимни текшириб, таҳлил қила олади;

